



ЎзХДП ЁШЛАР ҚАНОТИ

БИР КУН, БИР МАЙДОН ВА ЮЗЛАБ ЁШЛАР ОРЗУСИ



Ёшларнинг келажаги бир кунда ҳал бўлмайди. Аммо баъзан бир учрашув, бир яхши суҳбат, бир устознинг гапи ёки ўз ғоясини эркин айтиш имконияти унинг қарашини ўзгартириб, янги қадам ташлашига сабаб бўлади.

Сирдарёда ўтказилган "Истиқболли ёшлар" форуми айнан шундай муҳитни яратишга қаратилгани билан аҳамиятли, деб айтиш мумкин. Бу ерда ёшлар шунчаки тадбир иштирокчиси эмас, ўз фикри, ғояси, саволи ва орзуси билан майдонга чиққан фаол қатнашчи бўлди.

► (Давоми 5-бетда)



МУНОСАБАТ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ:

ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ ВА УМУММИЛЛИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК

Қорақалпоғистон Республикаси кейинги йилларда ҳар томонлама ўзгариб, тобора янги қиёфа касб этмоқда. Бугун бу ерда амалга оширилаётган йирик иқтисодий ва ижтимоий лойиҳалар ҳудуд тараққиётини кўрсатибгина қолмай, унинг яқин истиқболи ҳам кенг имкониятларга эга эканидан дарак бермоқда. Энг муҳими, бу ўзгаришларни рақамлар, инвестициялар ёки янги иншоотларнинг ўзи билан баҳолаб бўлмайди. Уларнинг самараси, аввало, қорақалпоғистонликларнинг ҳаётида, янги иш ўринларида, оилалар даромадида, турмуш шароити ва эртанги кунга ишончининг ортишида кўринади.

► (Давоми 3-бетда)

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЯДИ

Ҳар бир қонун ва қарорнинг замирида инсон ҳаёти, унинг манфаати ва эртанги куни бор. Шунинг учун ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамасида киритилажак ўзгариш ва янгилекларнинг ҳаётда қандай акс этиши, одамларга қандай наф бериши ҳақида фикр алмашиш муҳимдир.

Парламент қуёи палатасидаги ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида ҳам ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, муҳокамаларда масалага турли нуқтаи назардан ёндашилиб, аниқ таклифлар айтилди.

► (Давоми 2-бетда)

ПАРТИЯ ПОЗИЦИЯСИ

ХДП: ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТАРИФЛАРИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИГА МОС БЎЛИШИ, МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ

➔ 2

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 35 ЙИЛЛИК ЙЎЛИ

ТУРМУШ ҲАМ, ТАФАККУР ҲАМ ЎЗГАРМОҚДА

Жаҳоннинг кўҳна, донишманд тарихидан маълум: бошқарув босим, жисмоний назорат ва инсон идрокига ҳўжайинлик қилиш устига қурилса, халқ ўзига, уйига, ички ташвишларига ёпилиб олади. Нотўғри муносабатга нисбатан жамиятнинг табиий ҳимоя инстинкти шундай бўлади.

► (Давоми 4-бетда)



ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ЎЗ ВАҚТИДА ЕЧИЛГАН МУАММО



ХАЛҚ ИШОНЧИНИНГ ОҚЛАНГАНИДИР

Баъзан бир одамнинг муаммоси қоғозда жуда кичик кўринади. «Кўчамизга чироқ керак», «Уйимизга ичимлик суви келмаяпти», «Уй-жой масаласини ҳал қилишга кўмаклашинг», «Маҳалламизда футбол майдончаси йўқ», «Газ масаласида муаммо бўляпти»...

Бир неча сатрдан иборат бундай мурожаатлар ортида бутун бир маҳалланинг, юзлаб одамларнинг, бир оиланинг йиллар давомида кутган умиди туради.

► (Давоми 7-бетда)

НОДИРБЕК ЁҚУББОВ – КУН ҚАҲРАМОНИ!



➔ 8

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЯДИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суд ишларини юритиш, айрим қонун ҳужжатларига якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг олиш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, давлат органлари мансабдор шахсларининг ўз зиммасига юклатилган вазифаларни тўлақонли амалга ошириши учун зарур ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳалари атрофлича муҳокама қилинди.

Дастлаб депутатлар Конституциявий суд ишларини юритишга оид конституциявий қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Унда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда Конституциявий судга мурожаат қилиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган муҳим нормалар назарда тутилмоқда.

Хусусан, Конституциявий судга келиб тушадиган шикоятларни қабул қилиш ва уларни кўриб чиқиш тартиби, мурожаатларни ўрганиш жараёни, конституциявий суд ишларини юритишнинг процессуал асослари, шунингдек, суд томонидан тегишли хулоса ва қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ масалалар аниқ белгилаб берилмоқда.

Муҳокамалар давомиди мазкур нормаларнинг амалиётда самарали ишлаши, фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари янада тушунарли ва қулай бўлишига алоҳида эътибор қаратилди. Депутатлар қонун лойиҳасида назарда тутилаётган тартиб-таомилларнинг ҳаётда қўлланиши билан боғлиқ жиҳатлар юзасидан



ўз фикр ва таклифларини билдиришди.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

- Бугунги йиғилишимизда бир қатор муҳим қонун лойиҳаларини муҳокама қилдик. Хусусан, Конституциявий суд ишларини юритиш билан боғлиқ нормаларни янада аниқлаштириш ва фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш имкониятларини кенгайтириш масаласи ўрганилди.

Шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларидаги айрим ҳуқуқий ноаниқликларни бартараф этиш,

Конституциявий судга мурожаат қилиш ва мурожаатларни кўриб чиқиш механизмларини янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда. Бу, энг аввало, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятларини кучайтириш нуқтаи назаридан долзарб. Чунки фуқаро ўз ҳуқуқи бузилган, деб ҳисоблаган ҳолатда қаерга ва қандай тартибда мурожаат қилишини аниқ билиши, унинг мурожаати қонуний асосда кўриб чиқилиши муҳим. Шу маънода, Конституциявий судга мурожаат қилиш механизмларининг аниқ ва тушунарли бўлиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади.

Яна бир масала — якка тартибдаги тадбиркорларнинг лизинг хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш. Бугун кўплаб кичик тадбиркорлар фаолиятини йўлга қўйиш ёки кенгайтириш учун замонавий ускуналарга эҳтиёж сезади, лекин бунинг учун етарли маблағ ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Шу нуқтаи назардан, лизингдан фойдаланиш имкониятининг кенгайиши тадбиркор учун қўшимча молиявий дастак яратади. Яъни, тадбиркор зарур ускунани бирданига катта маблағ сарфламасдан, лизинг

асосида олиб, ўз фаолиятини ривожлантириши мумкин бўлади.

Менимча, бу каби ўзгаришлар, энг аввало, кичик бизнес ва ўз меҳнати билан даромад топаётган инсонлар учун амалий аҳамиятга эга. Энг муҳими, қонунларда белгиланаётган нормалар ҳаётда ишлаши ва тадбиркорга реал қулайлик яратиши керак.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурларида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, имтиёзли молиялаштириш механизмларини ривожлантириш ҳамда аҳоли учун даромад манбаларини кўпайтириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, фракция аъзолари мазкур ташаббуснинг аҳамияти фақат лизинг муносабатларини техник жиҳатдан тартибга солишда эмас, балки фуқаронинг ўз меҳнати ва тадбиркорлик салоҳияти орқали барқарор даромад топиши учун молиявий имкониятлар доирасини кенгайтириш ҳамда аҳолини камбағалликдан чиқишига кўмаклашишдан иборат бўлиши зарурлигини таъкидлашди.

Шу боис, таклиф этилаётган мазкур янги механизм билан бир қаторда, шаффоф шартномалар, тушунарли тўлов жадавали, ортиқча молиявий юкнинг олдини олиш ва тадбиркорнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилиб, ушбу қонун лойиҳаси кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва фуқароларнинг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган ҳуқуқий кафолат сифатида аҳамиятли экани қайд этилди.

Шунингдек, йиғилишда энергетика вазирининг соҳадаги ислохотлар ва куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан ахборотини эшитиш ҳамда рақамли технологиялар вазирига "Рақамли Ўзбекистон – 2030" стратегиясининг 2026 йилга мўлжалланган айрим мақсадли кўрсаткичларига эришиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисида" парламент сўровини юбориш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Қун тартибидан ўрин олган масалалар юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати манфаатлари ҳамда партия дастурий гоёларидан келиб чиқиб тегишли қарорлар қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" мухбири.



ПАРТИЯ ПОЗИЦИЯСИ

Сўнгги кунларда Тошкент шаҳрида жамоат транспорти тарифларини қайта кўриб чиқиш ҳамда мактаб ўқувчиларининг хавфсиз ва қулай қатновини таъминлаш масалалари жамоатчилик эътиборида турибди.

Маълумки, пойтахтимизда автобус ва метрода **бир марталик электрон тўлов тарифини қарийб 47 фоизга ошириш** таклифи юзасидан жамоатчилик муҳокамаси ўтказилди.

Шунингдек, ўқувчиларнинг мактабга хавфсиз ва қулай қатновини таъминлаш учун Тошкент шаҳрида **School Bus тизимини жорий этиш** имкониятлари ўрганилмоқда (73,5 фоиз сўров иштирокчилари таклифни қўллаб-қувватлаган).

Халқ демократик партияси ушбу долзарб ижтимоий масалалар юзасидан, аввало, кам даромадли ва кўп фарзандли оилалар манфаатлари нуқтаи назаридан қуйидаги позициясини билдиради:

Биринчидан, жамоат транспорти тарифлари аҳоли даромадлари ва оилавий харажатларга таъсири ҳисобга олинган ҳолда белгиланиши керак.

Шунинг учун тарифларни белгилашда ташувчилар харажатлари билан бир қаторда **аҳоли даромадлари, оила харажатлари, ўқувчилар ва талабаларнинг кундалик қатнови, кам даромадли ва кўп фарзандли оилаларнинг имкониятлари** ҳам ҳисобга олиниши керак.

Ҳар бир ота-она учун фарзандининг эмин-эркин ҳаракатланиши, билим олиши ва кундалик манзилларига хавфсиз етиб


ХДП: ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ТАРИФЛАРИ АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИГА

МОС БЎЛИШИ, МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАНИШИ ШАРТ

бориши муҳим. Шу маънода, жамоат транспорти сиёсатида иқтисодий самарадорлик билан бир қаторда **ижтимоий тенглик, таълим олиш имконияти, болалар хавфсизлиги ва оила манфаатлари** ҳам асосий мезонлардан бири бўлиши шарт.

Иккинчидан, ўқувчилар учун алоҳида ва имтиёзли тариф механизми жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Бу партиямизнинг сайловолди дастурида



белгиланган аниқ сиёсий позициядир. Бизнингча, **барча ўқувчилар учун имтиёзли тариф, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кўп фарзандли оилалар фарзандлари учун эса қўшимча қўллаб-қувватлаш механизмлари** назарда тутилиши зарур.

Мактабга бориш ва қайтишда **боланинг хавфсизлиги биринчи ўринда** туриши шарт. Шу нуқтаи назардан, School Bus тизимини жорий этиш муҳим. Бироқ, бу тизим ота-оналарга **яна**

бир қўшимча молиявий юк бўлмаслиги керак.

Хорижий тажрибада ҳам **ўқувчиларнинг транспорт харажатларини камайитиришнинг турли механизмлари** қўлланилади. Айрим давлатларда ўқувчилар учун жамоат транспортида чегирмалар белгиланса, бошқа ҳолатларда мактабгача бўлган масофа, оила даромади, ҳудуднинг транспорт билан таъминланганлигидан келиб чиқиб, харажатлар тўлиқ ёки қисман қопланади.

Халқ демократик партияси **тариф ўзгаришларининг ижтимоий таъсири** ҳолис ва очик баҳоланиши, **қарорлар жамоатчилик учун тушунарли асосларга эга бўлиши, ўқувчилар учун самарали имтиёзли тарифлар** ҳамда оилаларни қўллаб-қувватлаш механизмлари яратилиши зарур, деб ҳисоблайди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифи доирасида старт берилган йирик лойиҳалар, Нукус шаҳрида ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар ҳам ана шу нуқтаи назардан муҳим. Йиғилишда ҳудудни ривожлантириш масаласи иқтисодий ўсиш билангина чекланмай, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, камбағалликни бартараф этиш, одамлар учун муносиб турмуш шaroитини яратиш билан бирга қаралди.

Кейинги йилларда Қорақалпоғистонда йўл ва энергетика инфратузилмасида ҳам катта янгиланишлар бўлди. А-380 магистралининг Қўнғиротдан ўтвучи 240 километри бетон қопламага ўтказилгани, яна 92 километрлик қисмида қурилиш бошлангани – бу оддий йўл қурилиши эмас. Йўл яхши бўлса, маҳсулот бозорга тезроқ етиб боради, тадбиркорнинг харажати камаёди, одамларнинг қатнови ва ишлаш имконияти кенгаёди. Янги 92 километрлик қисм ишга тушган, транзит ҳажмининг 1,5 баробар ошиши ва юкларни етказиш вақти қисқариши ҳудуд иқтисодий фаоллигига ижобий таъсир қилади.

Энергетика соҳасидаги ишлар ҳам катта аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда Қорақалпоғистонда 860 мегаватт янги қувват ишга туширилди, электр ишлаб чиқариш 4 баробар ошиб, 5 миллиард 330 миллион киловатт-соатга етди. Янги лойиҳалар эса давом этмоқда. Электр барқарор бўлса, корхона ишлайди, ишлаб чиқариш кенгаёди, янги лойиҳаларга йўл очилади. Шу маънода, барқарор энергия барқарор иқтисодиётга, барқарор иқтисодиёт эса доимий иш ўринларига замин яратади.

“Ресурсдан тайёр маҳсулотгача” бўлган занжирни қамраб оладиган

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРАҚҚИЁТИ:

ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ ВА УМУММИЛЛИЙ ҲАМЖИҲАТЛИК



янги соноат ва инвестиция харитасининг яратилиши шу жиҳатдан муҳим. Ер, ер ости бойликлари, қуёш ва шамол энергияси, яйловлар каби имкониятлар хомашё ҳолича қолиб кетмасдан, тайёр маҳсулот

ва даромад манбаига айланиши керак. Тўқимачилик ва чарм, электротехника, энергия тежамкор қурилиш материаллари, автомобиль эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга қаратилган

лойиҳаларнинг қадри ҳам шунда.

Қорақалпоғистонда 4,3 миллион гектар яйлов бор, шундан 2,5 миллион гектаридан аҳоли даромадларини ошириш ва чорвачиликни ривожлантириш учун ҳали етарлича фойдаланилмаётгани таъкидланди. Бу борада аниқ вазифалар белгиланди. Катта имкониятлардан самарали фойдаланилса, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ошади, чорвачилик кенгаёди, оилаларнинг даромади кўпаяди, маҳаллий иқтисодий ҳаёт янада жонланади.

Ҳудудда 1 миллиондан ортиқ ёшлар борлиги — Қорақалпоғистоннинг катта салоҳияти. Бир йилда 1 минг, кейинги икки йилда яна 5 минг ёшни ахборот технологиялари ва логистика соҳаларида юқори даромадли иш билан таъминлаш вазифаси шу салоҳиятни ишга солишга қаратилган. Ёшлар замонавий касб эгалласа, яхши даромад топса, бу уларнинг ўзигагина эмас, оиласига ҳам иқтисодий имконият бўлади.

Қорақалпоғистондаги ўзгаришларнинг ижтимоий кўлами соноат ва инвестиция лойиҳалари билангина ўлчанмайди. Бўзатовда замонавий санаторий, Нукусда онкология ва радиология маркази, Қўнғиротда болалар шифохонаси ва туғуруқхона, Амударё ва Тўрткўлда амфитеатрлар,

Нукусда гимнастика маркази ва Консерватория филиалининг ишга туширилиши одамлар ҳаёти учун яратилаётган шароитларнинг бир қўрилиши. Яъни иқтисодиётдаги ўсиш одамларнинг соғлиги, дам олиши, таълим олиши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун ҳам имконият яратиши керак.

Қисқаси, бугунги Қорақалпоғистонда иқтисодий тараққиёт билан ижтимоий юксалиш ёнма-ён бормоқда. Келаси йил Қорақалпоғистонга 5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш вазифасига ҳам фақат катта маблағ сифатида эмас, янги корхоналар, янги иш ўринлари ва аҳоли даромадларини ошириш имконияти сифатида қараш тўғри бўлади.

Қорақалпоғистоннинг бугунги тараққиёти бутун Ўзбекистоннинг умумий ҳаракати билан узвий боғлиқ. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари ҳам Қорақалпоғистонга инвестиция, технология, тажриба ва ҳамкорлик орқали ўз хиссасини қўшмоқда. Бунинг иқтисодий самараси юқори бўлади, албатта. Лекин масаланинг одамлар учун қадри яна бир томони бор: бир ҳудуддаги тараққиётга бошқа ҳудудлар ҳам елкадош бўлса, ўртамиздаги меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик янада мустаҳкамланади.

Халқ демократик партияси Қорақалпоғистонда амалга оширилаётган ислохотларни инсон манфаати, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва ҳудудлар ўртасидаги муносиб тараққиёт нуқтаи назаридан муҳим, деб билади. Белгиланган вазифаларни амалга оширишда партиянинг барча фаоллари ва депутатлик корпуси билан муносиб ҳисса қўйишга интилади.

Улўғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎзХДП фракцияси раҳбари.

ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ – ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Давлат раҳбарининг Қорақалпоғистонга ташрифи Оролбўйи ва бу ерда яшаётган азамат халқимиз ҳаётида муҳим воқеалардан бири сифатида муҳрланадиган бўлди. Чунки ташриф давомида нафақат ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш, балки яратилаётган имкониятларни эл фаровонлигига йўналтириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, ёшлар учун муносиб келажақ яратиш, тиббий ва ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш, маҳаллалар ободлигини таъминлашга қаратилган аниқ вазифалар белгиланди.

Жумладан, умумий қиймати 7 миллиард долларлик 47 та янги лойиҳага старт берилди. Уларда энергетика, рақамли иқтисодиёт, соноат, транспорт, тиббиёт ва хизмат кўрсатиш каби муҳим йўналишлар қамраб олинган.

Қорақалпоғистоннинг улкан энергетик салоҳиятидан самарали фойдаланиш келгуси тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлиб қолмоқда. Сўнгги йилларда 860 мегаваттлик янги энергетика қувватлари ишга туширилди, Беруний ва Қораўзак туманларидаги шамол станциялари ҳисобига «яшил» энергия улуши 23 фоизга етди. Электр энергияси ишлаб чиқариш тўрт қарра ошиб, 5 миллиард 330 миллион киловатт-соатни ташкил этди.

Эндиликда бу йўналиш янада кенгайтирилади. Қўнғирот туманида 2,6 миллиард долларлик, 1,5 минг мегаватт қувватга эга шамол электр станцияси қурилади. Лойиҳа доирасида юқори қучланишли электр тармоқлари ва подстанциялар барпо этилади. 2030 йилгача шамол электр станциялари қувватини 3 300 мегаваттга етказиш, «яшил» энергия улушини 76 фоизга олиб чиқиш ва 400 мегаваттлик энергия сақлаш қувватларини яратиш режалаштирилмоқда.

Сунъий интеллект ва маълумотлар марказлари учун махсус зонада 8 миллиард долларлик 6 та лойиҳа амалга оширилиши, уч йил давомида Нукус шаҳри, Қўнғирот, Қораўзак ва Тахиятош туманларида 1,5 мингта юқори даромадли иш ўрни яратилиши, бўлутли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги йиллик экспортни 600 миллион долларга етказиш мақсад қилинмоқда.

Тараққиётнинг энг катта бойлиги - инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани янада қувонарли. Ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, ахборот технологиялари ва логистика соҳаларида юқори даромадли иш ўринларини яратиш, халқаро таълим дастурларини ҳудудларга олиб кириш бўйича белгиланган вазифалар ўғил-қизларимиз учун улкан муваффақиятлар эшигини очмоғи тайин.

Қорақалпоғистонлиқлар учун юқори технологик тиббий хизматлар кўлами кенгайтирилаётгани, инчунун, Нукусда жигар ва буйрак трансплантацияси йўлга қўйилгани, Оролбўйи болалар шифохонасида мураккаб операциялар ўтказилаётгани, олис, чекка овуллардаги тиббиёт муассасалари ҳам замонавий қиёфа касб этаётгани



этирофга лойиқ, албатта. 18 сентябрь куни Нукус шаҳрида 27 миллион долларлик, 100 ўринли Шайх Халифа номидаги янги шифохонанинг ишга туширилиши ва Қорақалпоғистон илмий-амалий тиббиёт академиясининг ташкил этилиши тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган галдаги қадамлардан бўлди.

Ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича «Туюмйўйи» сув тозалаш иншоотини реконструкция қилиш ва Қўнғиротдан Мўйноққа 100 километр ичимлик суви тармоғини тортиш ишларининг бошланиши ҳам бевосита аҳоли саломатлиги ва турмуш шароитига дахлдор вазифалар сирасига қиради.

Буларнинг барчаси бир ҳақиқатни кўрсатади: Қорақалпоғистон тараққиёти эндиликда фақат иқтисодий кўрсаткичлар билан эмас, балки инсоннинг кундалик ҳаётида сезиладиган ўзгаришлар билан баҳоланадиган жараёнга айланмоқда.

Президентимиз ташрифи биз — халқ депутатлари учун залворли масъулиятни англатади. Депутатлик фаолиятининг мазмуни фақат сессия ёки йиғилишларда иштирок этиш билан чекланмайди. Аҳоли билан мунтазам мулоқот қилиш, маҳаллалардаги муаммоларни ўрганиш, фуқароларнинг мурожаат ва тақлифларини тинглаш, уларни тегишли ташкилотлар олдига қўйиш, ҳудудда яратилаётган янги имкониятлардан аҳолининг хабардор бўлишига кўмаклашиш ва белгиланган вазифаларнинг жойлардаги амалий натижасига эътибор қаратиш бугун ҳар қачонгидан долзарбдир.

**Халилла ЕШИМБЕТОВ,
Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесидаги партия фракцияси раҳбари.**

Бугун Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар ўзининг аниқ натижалари билан намоеён бўлмоқда. Сўнгги йилларда ҳудудга катта миқдорда инвестициялар жалб этилиб, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш учун қўшимча имкониятлар яратилди. Фойда, ер ва мол-мулк солиқларининг икки қарра камайтирилиши, соноат корхоналари учун электр энергияси тарифининг 15 фоизга пасайтирилиши ва ижтимоий солиқнинг 1 фоиз этиб белгиланиши бизнес фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасига 1 миллиард 700 миллион доллар инвестиция киритилгани, бу 2021 йилдагига нисбатан 22 баробар кўплиги ҳудуддаги иқтисодий ўзгаришлар кўламини кўрсатади. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса ҳудуд иқтисодиёти 10,2 фоизга ўсди. Бу рақамлар ортида, энг аввало, янги иш ўринлари, янги корхоналар, аҳоли учун қўшимча даромад манбалари ва ҳудуд иқтисодий салоҳиятининг ортиши мужассам.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 19 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида Кегейли ва Нукус туманларида амалга оширилаётган қатор лойиҳалар билан танишуви ҳам кенг қамровли ислохотлар бардавомлигининг амалий ифодаси бўлди.

Кегейли туманидаги «ADM Agro» корхонасининг соноатлашган интенсив боғида йўлга қўйилган замонавий аграр тажриба Оролбўйи шароитида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун янги имкониятлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Лойиҳага 55 миллиард

сўм маблағ йўналтирилиб, 330 гектар майдонда боғ барпо этилган ва 100 та иш ўрни яратилган. Ҳозирда 69 гектар майдонга АҚШда селекция қилинган 250 минг түп қора олхўри кўчати экилган. Навнинг шўр ерларга чидамлилиги ва қисқа муддатда ҳосилга кириши лойиҳанинг самарадорлигини оширмоқда. Бу ерда дарахтлар орасига помидор ҳам экилиб, гектаридан 40–45 тонна ҳосил олиш имконияти яратилган. Ёпиқ дренаж ва томчилатиб сўғориш тизимлари орқали сув сарфи сезиларли камайтирилмоқда. Етиштирилган маҳсулотни шу ернинг ўзида қуритиш ва қайта ишлаш имкониятини яратилгани эса унинг қўшилган қийматини ошириб, экспорт салоҳиятини кенгайтирмоқда. Тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича Хитой, Корея ва Россия билан шартномалар имзоланган. Ушбу тажрибани Қорақалпоғистон бўйлаб кенгайтириш, интенсив боғлар майдонини 10 минг гектарга етказиш режалаштирилмоқда.

Аҳоли даромадларини ошириш, камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш борасидаги ишларга Кегейлида ташкил этилган замонавий иссиқхона мажмуасини ҳам яна бир мисол қилиб келтириш мумкин. 12,5 миллиард сўм имтиёзли маблағ ҳисобидан 5 гектар майдонда барпо қилинган иссиқхонага дастлаб «Ижтимоий реестр»да турган 50 та оила жалб қилиниб, ҳар бирага 10 сотихдан майдон ажратилди. Уларга икки йил давомида таълим ва амалий кўмак берилиб, келгусида мустақил даромад манбаига эга бўлишлари учун шароит яратилмоқда.

Қорақалпоғистондаги ислохотларнинг яна бир муҳим жиҳати — маҳалла даражасида аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, бандлик ва даромад манбаларини кўпайтиришга комплекс ёндашилаётганидир. Президент ташриф буюрган Нукус туманидаги "Дийқан арна" маҳалласида амалга оширилаётган ишларни бунинг ёрқин намунаси, дейиш мумкин.

Маҳаллада мингдан ортиқ оила, 3 минг 600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Жорий этилган «Smart маҳалла» тизими аҳоли мурожаатларини тезкор ҳал этиш, демографик маълумотларни юритиш ва инфратузилма ҳолатини электрон назорат қилиш имконини бермоқда. Инвестиция дастури доирасида 4,5 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 60 ўринли замонавий боғча фойдаланишга топширилди, маҳаллий бюджетдан 1 миллиард сўм йўналтирилиб, футбол ва воркаут майдончалари барпо этилди.

Умуман олганда, Қорақалпоғистон Республикасида амалга оширилаётган бу каби бекиёс лойиҳалар ҳудуд тараққиёти янги босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

**Бахитжан ХАБИБУЛЛАЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси.**

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 35 ЙИЛЛИК ЙЎЛИ

ТУРМУШ ҲАМ, ТАФАККУР ҲАМ ЎЗГАРМОҚДА



► (Давоми. Боши 1-бетда)

Аксинча, бошқаришдан мақсад халқнинг бирини икки қилиш, дунё олдида ғурурини кўтариш, босим эмас, балки қўллов ва имконият бериш бўлса, миллатнинг қалби очилади. Қачонлардир ўз уйига бекиниб олган одамлар остона хатлаб кўчага чиқади, эрта баҳор ҳовлисига ниҳол қадаб, маҳалла ва жамият билан завқланиб яшамоқ учун янги йўлларга отланади.

Янги ўқув йилининг илк кунларида фарзандини мактабга кузатаётган оналарнинг бахтиёрлигини кўриб, яқин ўтмишнинг оғриқли хотиралари хаёлдан ўтади. Биз эркинлик нималигини тушунар-тушунмас, синфхоналардан тўғри пахта даласига қувилган авлод эдик. Асли мўъжизали болаликнинг энг катта ғами этакни қандай тўлдириш ва кўнлик “план”ни бажаришдан иборат бўларди.

Энди-энди ўйласанг, мустабид совет тузумидан бери бошидан мақсад меҳнат, манфаатдорлик, ишчи-деҳқонлар бахту иқболи эмас, назорат қилиш, босимда ушлаб туриш бўлгани очилгандай туюлади. Коммунизмнинг ўзича бош “дохий”ларидан бирининг “ҳисоб ва назорат ҳар бир совет ишчиси ва солдатларининг энг асосий иқтисодий вазифаларидан биридир”, деган гапидан бу англиниш кенгайгандек бўлади. Ҳамама ё ишчи-деҳқон, ё солдат, деб қаралар, бу қадимий мамлакатда гўёки инсон йўқ эди...

Мустақилликнинг дастлабки ўн йилликлари ҳамма жойда ҳам осон кечмайди. Кўнгли чўкиб, ҳафсаласи пир бўлган бир кишининг руҳини кўтариш, аввали ўзига ишонтириш қанчалик қийинлигини ўйлаб, кейин бутун бир мамлакатдаги вазиятни тасаввурга сигдиришга уриниб кўриш мумкин. Мустабид тузум асоратлари ювилиб кетиши қийин бўлди. Гўёки давлат ва жамият бўлиб, эркин халқ бўлиб яшашнинг мажбурийликдан, босимли назоратдан бошқа йўли йўқдек эди. Давлат бошқаруви фуқарога қўлловчи эмас, балки фақат назорат қилувчи “объект” сифатида қарайдиган вазиятда,



ёпилиб олган жойларга ободлик, тоза ҳаво кирди. Бу ҳаво маҳалла гузарларидан ошиб, ҳовлиларга ҳам ўтиб борди. Мажбурлаши, босим билан назорат қилиши орқали таниган давлатни фуқаролар бошқатдан кашф этгандек бўлди. Давлат бошқарувининг тоталитар ва маъмурий-буйруқбозлик моделларидан инсон ҳуқуқлари ҳамда ижтимоий шериклик тамойилларига асосланган замонавий бошқарув тизимига ўтилиши жамият ва давлат ўртасидаги ишонч кўпригини қайта тиклади.

Кейин ҳар бир маҳаллани обод қилиш, ривожлантиришга ўтилди. Бир хил хонадон эгалари уй-жойи ташки томондан чиройли бўлиб қолганини сезмай ҳам қолди. Ҳижолат бўлиб, ичидаги муҳитни ўзлари ўзгартаришга уринишни бошлади.

Мана шундай қилиб, бир замонлар мажбурийликдан бешиб, уйига, ўзига ёпилиб олган одамлар эшикларини ҳам, кўнглини ҳам очди.

““

**ДАВЛАТ
БОШҚАРУВИНИНГ
ТОТАЛИТАР ВА
МАЪМУРИЙ-
БУЙРУҚБОЗЛИК
МОДЕЛЛАРИДАН
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ
ҲАМДА ИЖТИМОИЙ
ШЕРИКЛИК
ТАМОЙИЛЛАРИГА
АСОСЛАНГАН
ЗАМОНАВИЙ
БОШҚАРУВ ТИЗИМИГА
ЎТИЛИШИ
ЖАМИЯТ ВА
ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ
ИШОНЧ КЎПРИГИНИ
ҚАЙТА ТИКЛАДИ.**

овоз тўплашга мажбур бўлаётгани жойлардаги ижроия ҳокимияти органлари ўз вазифасини тўлиқ урдадай олмаётганидан ҳам далолат беради. Лойиҳа фақат овоз йиғиш пойғасига айланиб қолмаслиги, бюджет маблағлари тақсимотида шаффофлик тўлиқ таъминланиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

Барибир, юқоридаги рақамлар эскидан қолиб кетган мажбурийлик муаммосидан ташаббускорлик ва масъулият босқичига чиқилаётганини билдириб турибди. Бунинг ортида кенг саъй-ҳаракатларнинг натижадорлигини кўрсатувчи бошқа рақамлар ҳам бор, албатта.

Ижтимоий ҳимоя, «Ижтимоий реестр» ва маҳаллабай тизим: 2016 йилга қадар нафақа олиш учун маҳалладан «справка» йиғиш, таниш-билишчилик одатга айланган эди. 2026 йилга келиб, инсон омилсиз ишлайдиган электрон тизим ва Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бор. Эндиликда «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» орқали кўмакка муҳтожлар манзилли аниқланмоқда.

Лекин тизим рақамлаштирилгани билан, жойларда «Ижтимоий реестр»га киролмай қолаётган ёки техник сабаблар туфайли ёрдандан узилиб қолаётган реал муҳтож оилалар ҳали ҳам учраб турибди. Инсон омиллини истисно қилиш қуруқ алгоритмларга суяниб қолишни аниқлашмаслиги, ҳар бир вазиятга индивидуал ёндашув сақланиб қолиниши керак.

2025–2026 йилларда Давлат бюджети харажатларининг 50 фоиздан ортиги айнан ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Бу – давлат топган пулининг ярмини халқнинг тўғридан-тўғри эҳтиёжларига сарфлаётганини аниқлатади.

2016 йилда ижтимоий ҳимоя фақатгина «давлат берадиган кичик бир моддий ёрдам» сифатида кўрилган бўлса, 2026 йилга келиб у иқтисодий фаоллик билан боғланиди. Ҳозирги тизимнинг асосий мақсади муҳтож оилага нафақа берибгина қолмай, унга имтиёзли кредит ёки ер ажратиш, касбга ўқитиб, ўз оёғида туриб кетишига шароит яратишдир. Рақамларнинг бир неча баравар ўсгани эса иқтисодиётнинг ҳуфийёна соядан очикликка чиққанини кўрсатмоқда.

Кези келганда, кейинги йилларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий мафкураси марказида турувчи гоёлар амалга

қиладиган, ижтимоий-иқтисодий фаоллиқни кўтарадиган янада кучли шижоатни уйғотади.

Масалан, биринчи миллий дастур: билим ва малака келажак капиталига айланади. Илгари бойлик деганда фақат олтин, газ ёки пахта тушунилган бўлса, энди энг катта бойлик инсоннинг билими ва фаолияти, деб белгиланди. Бу мажбурийлик эмас, инсоннинг эркинлиги, ихтиёри ва ташаббуси биринчи ўринга чиқади, деганидир. Билимли авлод шаклланиши мамлакатга миллиардлаб долларлик хорижий инвестицияларни олиб келади ва меҳнат унумдорлигини кескин оширади.

Учинчи миллий дастур иқтисодиётни юқори технология ва меҳнат унумдорлиги моделига ўтказиш дастури бўлиши айtilди. Дастур доирасида яқин йилларда мамлакат иқтисодиётини тубдан модернизация қилиш бўйича аниқ мақсадли кўрсаткичлар белгиланган: 2030 йилга бориб ялпи ички маҳсулот ҳажмини 300 миллиард долларга етказиш, келгуси ўн йил ичида иқтисодиётнинг турли тармоқларига жами 450 миллиард доллар миқдорида хорижий инвестицияларни жалб этиш, юқори қўшилган қиймат яратиш, энг муҳими, 2 миллионга барқарор даромадли иш ўрни яратиш кўзда тутилди. Натижада мамлакат иқтисодиёти тубдан ўзгариши кутилади, инновацион иқтисодиёт моделига ўтилади.

Одамлари фаол қиймат яратмаган мамлакат кучли бўла олмайд. Мажбурийлик ҳеч қачон бир нарсга кашф қилмайди, вақтнинг, ироданинг, охир-оқибат инсон шахсининг бутунлай йўқотилишига олиб боради. Бир вақтлар мажбурийлик ва ночорликдан бошқасини кам билган қанча оилалар бугун фаол қиймат яратувчига айланиши учун нима керак бўлса, чораси кўриляпти: натижалар рақамларда аниқ, муаммолар ҳам йўқ эмас, шунинг учун янгидан-янги вазифалар қўйилляпти. Ҳар



жамиятда давлат институтига нисбатан ҳадик аралаш лоқайдлик муҳити шаклланиши табиий эди. Кейинги ўн йилликдаги ўзгаришларга мана шу нуқтадан қаралса, бутунлай бошқа замон ва маконга ўтиб кетилгандек тасаввур уйғонади.

Халқ билан гаплашиш катта иштиёқ асосида йўлга қўйилгани, қанчалик қийин бўлмасин, шу маслакда қатъий турилгани, бугун тўлиқ ишонч билан айтиш керакки, халқни ҳам, давлатни ҳам ўзгартирди. Одамлар фаоллашиб, талабчан бўлиб кетса, кейин бошқариш қийин бўлади, гапга юрмай кўяди, деган мустабид тузумдан пинҳона оқиб келган ожиз қарашлар чилпарчин бўлди.

Фақат муаммони эшитиш, бурчини бир марталик бажариш билан чекланилмади: мулоқотдан кейин мамлакатдаги вазият аёнлашгач, бутун давлат тизими, кучи ва имкониятлари ҳудудларга сафарбар қилиниб, муаммолар, чигалликлар билан

Бугун маҳалладошлари билан бирлашиб, овоз йиққан лойиҳаси бўйича кўчасига ётқизилган асфальтнинг қалинлигини ўлчаб, сифатини текшириб кўрайдиган, инсофи камроқ катта-кичик раҳбарларни сўраб-тергайдиган, халқ назоратини ўрнатишни бошлайдиган бўлди.

Шу йилнинг ўзида «Ташаббусли бюджет»нинг 1-мавсумида фуқаролардан 21 мингдан ортиқ ташаббус билдирилди, лойиҳаларини қўллаш учун 10 миллиондан ортиқ овоз йиғилди. 2-мавсумда ҳам 10 миллиондан кўпроқ овоз берилди. Айна рақамлар мамлакатда ижтимоий-иқтисодий фаоллик қанчалик ошиб бораётганининг жуда самимий, жуда ҳақиқатли ифодасидир.

Бирок, тан олиш керак, аҳолининг ичимлик суви, йўл ёки мактаб таъмири каби энг бирламчи эҳтиёжлар учун ҳам



ошаётганини таъкидлаш зарур. Эҳтиёжмандларни қўллаб-қувватлаб, ижтимоий-иқтисодий фаол қатлам сафига ўтказиш, ҳуқуқлар билан бирга имкониятлар тенглигини амалда таъминлаш, бандлик ва барқарор даромад манбаларини яратиш, камбағалликнинг туб сабабларини бартараф этиш, энг асосийси, давлат идораларини фуқаролар олдида доимий масъул ва ҳисобдор қилиш йўналишларидаги стратегик ислохотлар халқшмизнинг нафақат турмушини, ялпи тафаккурини ҳам ўзгартирмоқда.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 35 йиллик байрами тантаналарида Президент томонидан келгуси ўн йиллик пойдевори бўладиган еттига тарихий Миллий дастур ғояси илгари сурилди. Бу дастурлар ҳар бир ватандошимизнинг рўзғорига, чўнтагига, соғлиғига ва кундалик ҳаётига тўғридан-тўғри таъсир

кимнинг ҳолати, вазияти, ҳатто дунёқарашига қараб ёндашув қилинапти. Асосийси, ишчи ёки солдат эмас, инсонга инсондек муносабатда бўлиняпти.

Кўҳна ва донишманд тарих эса бошқарувдаги нотўғри ёндашувлар одамларни йиллар давомида қийнаб келиши мумкинлигини, аксинча, халқ манфаатларига асосланган сиёсат ва тизимли ислохотлар инсонлар ҳаёти, дунёқараш ва мамлакат тақдирини бутунлай ўзгартаришга қодирлигини эслатиб туради. Бу жараёнда давлат, жамият ва сиёсий институтларнинг умумий масъулияти мамлакат истиқболини белгилувчи энг асосий омил бўлиб қолаверади.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ,
Ўзбекистон Халқ
демократик партияси
Марказий Кенгаши раиси
ўринбосари.**



БИР КУН, БИР МАЙДОН ВА ЮЗЛАБ ЁШЛАР ОРЗУСИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Сирдарё вилоят партия кенгаши ҳамкорлигида Ширин шаҳрида ташкил этилган форумда минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этиб, турли йўналишларда тайёрланган лойиҳаларни тақдим этишди. Муҳими, бу лойиҳалар қоғозда қолиб кетадиган ғоялар эмас, ёшларнинг ўз қизиқиши, билими ва келажақ режалари асосида шаклланган ташаббуслар сифатида намоён бўлди.

КАСБНИНГ ҲАҚИҚИЙ МАНЗИЛИДА

Форумнинг энг ҳаётий қисмларидан бири ёшларни бевосита иш жойлари билан таништириш бўлди. Иштирокчилар дастлаб “Сирдарё ИЭС” корхонасига ташриф буюриб, бу ерда меҳнат қилаётган ёш мутахассислар билан суҳбатлашишди, уларнинг иш жараёни, меҳнат шaroити ва касбий ўсиш имкониятларини кўришди.

Касб танлаётган ёш учун бу каби учрашувлар оддий экскурсия эмас, албатта. Чунки касбни китобдан ўқиш бошқа, шу касб эгасини кўриб, унинг бир куни қандай ўтишини, нималарга эришганини эшитиш бошқа. Айниқса, ўзи билан қарийб тенгдошининг меҳнат қилиб, тажриба орттириб, ўз соҳасида ривожлanaётганини кўриш ҳар бир ёш учун катта илҳом ва рағбат беради.

Тажрибали мутахассислар билан суҳбатлар давомида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Қандай қилиб касб эгаси бўлиш, иш жараёнида нималарга эътибор бериш, тажриба қандай тўпланиши ва мутахассис сифатида ўсиш мумкинлиги ҳақида фикр алмашилди.

**Мухсиiddин
НИЗОМИДДИНОВ,
ЎзХДП Марказий Кенгаши
бўлим бошлиғи:**

- Баъзан бир инсоннинг ҳаётий тажрибаси ўнлаб маслаҳатдан кўра кўпроқ нарсани аңглатади. Ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топган ёш мутахассиснинг бугунги фаолиятини кўриш эса касб танлаш остонасида турган йигит-қизга “Мен ҳам қила оламан” деган ишончни беради.

Аслида, ёшлар билан ишлашнинг мазмуни ҳам шунда — уларга тайёр жавоб эмас, ўз йўлини топиши учун имконият бериш лозим. “Истиқболли ёшлар” форуми ана шу имкониятни яратиш, ёшларнинг овозини эшитиш ва уларнинг ғояларини қўллаб-қувватлаш йўлидаги амалий қадамлардан бири бўлди.

Форум давомида ёшлар билан бевосита мулоқот қилганимизда бир нарса яққол кўринди: уларга ўзини синаб кўриш учун имконият керак. ИЭСда ишлаётган ёш мутахассислар билан суҳбатлашганимизда ҳам, техникум ва мактабдаги ўқувчилар билан гаплашганимизда ҳам уларнинг касб, таълим ва келажакка қизиқиши сезилди. Менимча, ёшларнинг ташаббусини

қўллаб-қувватлаш дегани фақат тадбир ўтказиш эмас, уларнинг фикрини эшитиш, яхши ғоясига амалий кўмак бериш ва натижасини кўришгача ёнма-ён бўлиш керак. Бугун биз учрашган ёшларнинг кўпчилигида мақсад бор. Энди шу мақсадга етиши учун уларга имконият яратиш муҳим.

ТАНЛОВДАН НАТИЖАГА

Форум иштирокчиларининг навбатдаги манзили Ширин энергетика техникуми бўлди. Бу ерда қатнашчилар ёшларнинг касб танлаши ва танлаган касбини амалиёт билан боғлаши учун қандай имкониятлар

Бугун касб ўрганган, билим олган ва ўз қобилиятини синаб кўрган ёш эртага меҳнат бозорида ўрнини топиши осонроқ бўлади.

Иштирокчилар Ширин шаҳрида ёшлар учун ташкил этилган турли тўғараклар фаолиятини ўрганишди. Спорт, санъат, маданият ва бошқа йўналишлардаги машғулотларда ёшларнинг қизиқиши ва қобилиятини ривожлантириш учун яратилган шарoитлар кўздан кечирилди. Тўғаракларда шуғулланаётган ёшларнинг танлов ва мусобақаларда қўлга киритаётган ютуқлари ҳақида маълумотлар берилди.

Форум доирасида ёшлар билан очиқ мулоқот ҳам ташкил



яратилаётгани билан танишишди.

Бугун ёш учун дипломнинг ўзи етарли эмас. У ўз касбини билиши, қўлида амалий кўникмаси ва меҳнат бозорида ўрнини топа олиши керак. Техникумдаги таълим жараёни, замонавий йўналишлар ва амалий машғулотлар айнан шу мақсадга қаратилган. Бу ерда ёшлар қобилиятини синаб кўриш, қизиқишига мос касбни танлаш ва келажақда талаб юқори бўладиган мутахассисликлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконига эга.

Форум иштирокчилари Ширин шаҳридаги 1-сонли мактабда ҳам бўлиб, таълим жараёни ва ўқувчилар учун яратилган шарoитлар билан танишишди. 11-синфда таҳсил олаётган 4 нафар ўқувчининг 189 балл натижа қайд этгани алоҳида эътиборни тортди.

Олий таълимга киришга тайёрланаётган бу ўқувчиларнинг натижаси бошқа тенгдошлар учун ҳам яхши намуна бўла олади, дейишди иштирокчилар.

Мактабда “Ташаббусли бюджет” лойиҳаси доирасида ўқувчиларнинг касб-хунар ва меҳнат кўникмаларини ривожлантиришга мўлжалланган замонавий синфхоналар ташкил этилгани диққатга сазовор. Чунки бола касбни фақат китобдан ўкиб эмас, кўриб, синаб ва бажариб ўрганса, унинг қизиқиши ҳам, ишончи ҳам ортади.

Шу маънода, мактаб ва техникумларда яратилаётган бундай имкониятлар ёшларнинг эртанги ҳаёти учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилади.

билан чиққани эътиборга молик бўлди. Уларнинг фикрини эшитишнинг ўзи етарли эмас, бу фикрлар кейинчалик амалий ечимга айланиши муҳим. Чунки ёшлар сиёсати барча йигит-қиз учун бир хил қолипда эмас, ҳар бир инсоннинг имконияти ва эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда қурилгандагина ўз самарасини беради.

**Ислом МАМАДИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги
Ёшлар парламенти аъзоси,
Рақамли технологиялар
ва сунъий интеллектни
ривожлантириш илмий-
тадқиқот институти дастурий
маҳсулотларни ишлаб
чиқиш бўлими етакчи
мутахассиси:**

- Ёшлар билан очиқ мулоқотда бир нарса яққол сезилди: уларга, аввало, чиндан ҳам эшитадиган одам керак. Баъзи ёшлар ўз муаммосини очиқ айтиб берди, кимдир келажақдаги режаси билан ўртоқлашди, яна кимдир “Мана шу масалада бизга ҳам имконият бўлса” деган таклифини билдирди.

Айниқса, ногиронлиги бўлган ёшлар билан суҳбат менда катта таассурот қолдирди. Уларнинг орзуси, режаси, ҳаракати бор. Фақат баъзи ҳолларда уларга бошқалардан кўра кўпроқ имконият ва қўллаб-қувватлаш керак бўлади. Шунинг учун уларнинг фикрини эшитиб, кейин яна ўз ҳолига ташлаб қўйиш тўғри эмас.

Менимча, бугун ёшлар билан гаплашиб, эртага нима қилишимизни ўйлашимиз керак. Чунки ёш “менинг гапимни эшитишди” деб эмас, “менинг гапимдан кейин бирор иш ўзгарди” деб ҳис қилсагина мулоқотнинг қадрини сезади. Партиямиз фаолиятида ҳам шу тамойил устувор бўлиши керак — ёшни фақат тадбирга қақариш эмас, унинг ёнида туриш, ғоясига ишониш ва имкони борича амалий ёрдам бериш.

ЯНГИ ТАШАББУСЛАР САРИ

Форумнинг яна бир муҳим жиҳати — ёшларнинг инновацион ғояларига алоҳида эътибор қаратилганидир. Бугун оддий кўринган бир ғоя эртага янги лойиҳа, янги иш ўрни ёки бошқалар учун ҳам фойдали ечимга айланиши мумкин. Шунинг учун ёшнинг “менда бир ғоя бор” деган сўзини эшитиш ва уни ривожлантиришга имконият бериш — ёшлар билан ишлашнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

12 та ёшлар лойиҳасининг тақдироти форумнинг энг қизиқарли жараёнларидан бири бўлди. Ёшлар ўз ғояларини ўртага ташлаб, уларнинг мазмуни, амалий аҳамияти ва келгусида қандай натижа бериши мумкинлиги ҳақида фикр юритдилар. Бу жараёнда улар нафақат ўз лойиҳасини ҳимоя қилди, балки саволларга жавоб берди, бошқаларнинг фикрини эшитди ва ўз ғоясига бошқача назар билан қараш имконига эга бўлди.

Форумда ёшларнинг

ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва уларни партия ҳаётига жалб этиш борасидаги ишлар ҳам амалий натижа билан намоён бўлди.Тадбир давомида 35 нафар ёш Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафига қабул қилинди.

Шунингдек, партия фаолиятида иштирок этиб, тенгдошларини фойдали ташаббуслар атрофида бирлаштириб келаётган, жамоатчилик ишлари ва ижтимоий лойиҳаларда фаоллик кўрсатаётган 30 нафар иқтидорли ва ташаббускор ёш тақдирланди. Уларга ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Бу ерда гап фақат совға ёки ташаккурномада эмас. Ёшлар қилган меҳнати эътиборсиз қолмаганини ҳис қилиши ҳам муҳим. Бундай эътироф унинг ўз ишига бўлган ишончини мустаҳкамлаб, янги мақсадлар сари интилишига туртки беради.

Форум давомида “Ёшлар қаноти”нинг 20 нафар фаол ёшларини Тошкент шаҳрига илмий-маърифий саёхатга олиб бориш ташаббуси илгари сурилди.

Форум иштирокчиларининг Ширин шаҳридаги Ёшлар марказида жойлашган кутубхонага ташрифи рамзий аҳамият касб этди. Бу ерда китобхонлар учун яратилган шарoитлар, кутубхона имкониятлари ва китоб фонди билан танишилди. Ёшлар билан китобхонлик, мутолаа маданияти ва билим олишнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашилди.

“Истиқболли ёшлар” форумининг якуний қисми эса кўтаринки ва байрамона руҳда давом этди. Учрашувлар, суҳбатлар, лойиҳа тақдимотлари, янги танишувлар ва ғоялар билан тажрибаларни ўрганиш ва келажақ режалари ҳақида яна бир бор ўйлаб кўриш имкони бўлди.

Кун давомида таълим, касб, бандлик, инновация, ижтимоий фаоллик ва ёшлар ташаббуслари ҳақида жиддий фикр алмашилди. Тадбирнинг сўнгги қисмида саҳнада куй-қўшиқлар янгради. Куй-қўшиқлар, санъаткорларнинг чиқишлари ва ёшларнинг фаол иштироки шаҳарга байрамона кайфият олиб кирди. Ёшлар бирга қўшиқ куйлади, рақсга тушди, дўстлари ва тенгдошлари билан қувончли лаҳзаларни баҳам кўрди.

Шу тариқа “Истиқболли ёшлар” форуми нафақат фикр ва таклифлар муҳокама қилинган, балки ёшларни бирлаштирган, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга хизмат қилган тадбир сифатида якунланди.

Бир кун давомида Ширин шаҳрида турли авлод ва турли соҳа вакиллари ёшлар атрофида бирлашди. Ишлаб чиқариш корхонасида меҳнат қилаётган ёш мутахассислар, техникум ўқувчилари, мактаб ўқувчилари, лойиҳа муаллифлари, фаол жамоатчи ёшлар, Ёшлар парламенти аъзолари ва партия фаоллари бир майдонда учрашди.

**Ханна УТЕМУРОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси ҳузуридаги Ёшлар
парламенти аъзоси, Бердақ
номидаги Қорақалпоқ
давлат университети
талабаси:**

- Мен учун бу форум жуда қизиқарли ва фойдали ўтди. Айниқса, биз, ёшларга ўз фикримизни эркин билдириш, таклиф ва ғояларимизни айтиш учун имконият берилгани айни мутдао бўлди.

Форум давомида турли мавзуларда суҳбатлашилди, янги лойиҳалар билан танишдик. Бошқа ёшларнинг ғояларини эшитиб, ўзим учун ҳам кўп нарса олдим. Айниқса, замонавий касбларни ўрганиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш ва ёшларга яратилаётган имкониятлар ҳақидаги фикрлар менда катта қизиқиш уйғотди.

Форумда ўз тенгдошларимнинг фаоллигини кўриб, яна бир ҳақиқатни ҳис қилдим: ёшларга имконият берилса, улар албатта ҳаракат қилади ва яхши натижа кўрсата олади. Бунинг учун энг муҳими — қўллаб-қувватлаш ва ишонч.

Шундай тадбирлар кўпроқ ташкил этилса, ёшлар ўзларини жамиятнинг бир қисми сифатида янада теран ҳис қилади, янги ғоялар пайдо бўлади ва уларни амалга оширишга интилади. Мен ҳам бу форумдан кейин ўз олдимга янги мақсадлар қўйдим ва ўзим қизиққан йўналишда янада кўпроқ изланишга қарор қилдим.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон Овози”
муҳбири.**

АКС-САДО

Пойтахтимизнинг энг дилтортар, сўлим манзилларидан бири – Олмазор туманида ёшликнинг олтин фасли ҳукм сураётгандек. Бу ҳудудга қадам қўйган киши, аввало, илмга, изланишга, интилишларга тўла муҳитни ҳис этади. Зеро, республикамиздаги йирик ва нуфузли олий таълим даргоҳлари жамланган Талабалар шаҳарчаси ҳам шу заминга уйғунлашиб, йиллар давомида минглаб йигит-қизларнинг орзу-умидларига қанот бериб келмоқда.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети, Абдулла Авлоний номидаги педагогик маҳорат миллий институти, шунингдек, ўрта махсус таълим масканлари — буларнинг барчасида бугун ёшликнинг шижоати, илмнинг завқи, келажакка ишонч мужассам.

Талабалар шаҳарчаси бўйлаб кезар эканман, бу масканнинг бугунги қиёфаси, янгиланиш ва ободлик манзараларидан беихтиёр завқ туяман. Шу ердаги улуг даргоҳлар орасида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг алоҳида ўрни бор. Бу — улуглар сабоги, илм ва маърифат анъаналари давом этаётган кутлуғ даргоҳ. Университет мамлакатимизда олий таълим, илм-фан, техника, маданият ва маърифат ривожига йиллар давомида бекиёс ҳисса қўшиб келмоқда. Бу даргоҳдан етишиб чиққан кўплаб буюк олимлар, илм-фан намояндалари ва замонамизнинг таниқли инсонлари ўзларининг илк катта қадамларини айнан шу масканда қўйган, уни ўзлари учун ҳақли равишда alma mater (лотинча ибора бўлиб, “меҳрибон она» маъносини беради) деб билганлар.

Университетнинг йигирма уч нафар энг машҳур олимлари турли йилларда Ўзбекистон Фанлар академиясининг президенти ва вице-президентлари бўлгани, юздан ошқ олим эса шарафли академик номини қозонганини эътироф этишнинг ўзиёқ бу маърифат масканининг муқаддаслигини

ОБОДЛИК ШУКУҲИ

намоён этади. Умримнинг олтин даври—талабалигим ушбу масканда ўтганини эслар эканман, кўз ўнгимда ҳаёти ва фаолиятини маърифатга бағишлаган улуг ўстозларим гавдаланади...

Профессор Беғали Қосимов Қорақамиш даҳасида яшар эди. Биз, талабалар унинг дарси охирги парада бўлишини жуда-жуда истардик. Дарс тугаганда эса ўстозни кузатиш учун унинг Қорақамишдаги уйигача эргашиб борардик.

Ўстознинг уйига олиб борадиган йўл 30 – 35 дақиқа чамаси эди. Бу йўл дарсдан сўнг ҳаёт ва маънавият сабоқларига айланарди. Беғали Қосимов “Талабалар шаҳарчаси китоблар шаҳарчасига айланиши керак”, деб такрорлар эди. Ўстознинг бу орзуси, не ажабки, бугунги кунга келиб амалга ошди, десам муболағга йўймайси!

Йўлингиз тушса, Талабалар шаҳарчасидаги замонавий Ахборот-ресурс марказига, албатта, кириш. Ана шунда менинг бу сўзларим ҳақиқат эканига иқдор бўласиз.

Электрон-ресурслар, даврий адабиётлар, мутулаа, мультимедиа ва конференция залларини ўз ичига олган марказ фаолияти том маънода кенгайтирилиб, мухташам мажмуа сифатида қад ростлаган. Бугунги кунда мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон талабаларининг миллий илмий-маърифий маркази ҳисобланади. Бу ерда барча фанлар бўйича маълумотлар базаси мавжуд. Энг илғор технологиялар воситасида мазкур базадан мамлакатимиздаги барча олий таълим муассасалари фойдаланади. Дунёнинг етакчи университетлари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, улардаги маърузаларни онлайн кузатиш имконияти яратилган. “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида марказ атрофида боғ барпо этилгани диққатга сазовор.

Дарҳақиқат, сўнгги ўн йилда нафақат Талабалар шаҳарчаси, балки бутун Олмазор тумани янада кўркемлик, муаззамлик касб этди.

Гап ҳудуддаги бунёдкорликлар ҳақида борар экан, авлодларимизга улуг



мерос бўлиб қолгувчи Ислон цивилизацияси марказининг барпо этилганини ифтихор билан тилга олмасликнинг иложи йўқ.

Мамлакат раҳбари ташаббуси билан бунёд бўлган бу кутлуғ маскан дунёда ислон тарихи, маданияти ва цивилизацияларини ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган йирик мажмуалар қаторида эътироф этилмоқда.

Олмазорда, бундан ташқари, улкан бунёдкорлик намуналаридан бири сифатида Нурафшон ва Форобий кўчалари кесишган нуқтада барпо этилган уч қаватли “Эски шаҳар” савдо марказини ҳам келтириш жоиздир. Бу ерда харидорларга қулайликлар яратиш мақсадида кафе, галерея, болалар ўйин майдончалари, автомобиллар тўхташ жойи ва бошқа объектлар қурилган. Ҳозирда 250 киши иш билан таъминланган марказнинг учинчи қаватида “Китоб олами” дўкони ва миллий кино санъатимиз хазинасидан ўрин олган фильмлар намоиши учун мўлжалланган кинозал ҳам мавжуд.

Кичик халқа йўли ва Қорасарой кўчаси кесишган ҳудудда 7 қаватли 12 та турар жой Олмазорнинг кўркига ажиб кўрк қўшиб турибди. 800 хонадонга мўлжалланган бу уйлар эҳтиёжманд оилаларнинг яшаш шароитини яхшилаш, уларни арзон, замонавий турар жой билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

Уйларни қуриш учун 5 гектардан зиёд ер ажратилди. Турар жойларни лойиҳалаштиришда иқлим шароити, санитария ва хавфсизлик талаблари ҳамда халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига хос бошқа жиҳатлар ҳисобга олинган.

Бир пайтлар атрофи харобазор, тиканзор бўлиб, йўқликка юз тутган “Қичкирик” канали чиқиндилардан тозаланиб, соҳили ободонлаштирилиб турли чироқлар ўрнатилиб, янги маданият ва истироҳат боғи қурилгани олмазорликлар учун янада қувончи бўлди.

Шунингдек, тумanning ўз тарихига эга элликдан ортиқ маҳаллалари идоралари ҳам сўнгги меъморчилик услубида қайта қурилди.

Давлат раҳбари пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида ушбу туманда бўлиб, ана шу маҳаллалардан бири – “Қичкирик”қа ташриф буюрди.

Ўттиз йилдан ортиқ тарихга эга “Қичкирик” маҳалласида 23 та кўп қаватли уй, 1 минг 416 та хонадон бўлиб, 5 минг 400 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Президентнинг 2024 йил 25 июндаги қарори асосида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари натижасида маҳалла замонавий ва экологик ҳудудга

айланди.

Ҳудудда республикадаги илк замонавий минорали автотураргоҳлардан бири ҳам барпо этилди. Маданий тадбирлар учун амфитеатр ташкил этилди.

Маҳалладаги таълим муассасалари ҳам янгиланмоқда. 1976 йилда қурилган 441-боғча реконструкция қилиниб, 450 ўринли иккита янги бино барпо этилди ва муассаса қуввати 835 ўринга етказилди. Бу ерда инглиз тили, ментал арифметика, шахмат, таэквондо ва бошқа тўғарақлар ташкил этилган.

Боғчада “Ўзбек тилини ўйнаб ўрганимиз” интерактив платформаси ва йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғараги жорий этилган. Бу ташаббуслар болаларнинг билим ва кўникмаларини эрта ёшдан ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Давлат раҳбари томонидан Олмазорга ташриф асносида “Қичкирик” маҳалласидаги бундай янгиланишлар, ўсиб келаётган авлод бахту иқболи йўлида амалга оширилаётган ташаббуслар намуна қилиб кўрсатилди. Ва бу бежиз эмаслигини барчамиз англаб, ҳис қилиб турибмиз.

Кўни кеча набираларим билан Олмазордаги “Қичкирик” канали бўйлаб оқшом сайлига чиқдим. Минглаб чироқлар ёритиб турган йўллар ва йўлақлар нурга тўлган. Кузнинг салқин оқшоми. Соҳил бўйида хотирижам, мамнун чехраларни кўриб, жажжи болаларнинг қулгиларини эшитиб, кўнгилга янада завқу шавқ инади. Бир томондаги мини футбол майдонида маҳалла болалари тўп тепмоқда. Бир томонда эса шахмат доналарини сураётган болажонларни ёнида боболар ва бувилар қўллаб-қувватлаб турибдилар. Китоб дўконига янги китоблар туширилмоқда. Бежирим ўриндиқларда суҳбатлашаётган нуронийларнинг сўзлари дуоларга уланиб кетмоқда.

Буларнинг бари эзгу ўзгаришларнинг рами — маҳалла ҳаётига кириб келган ёруғ кунларнинг ёрқин ифодаси, десак янглишмаймиз.

**Зулфия МЎМИНОВА,
“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти аъзоси,
халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгаши депутаты.**

СУҲБАТ

БУГУНГИ ЖУРНАЛИСТГА БИЗНЕС КЎНИКМАЛАРИ НИМА УЧУН КЕРАК?

Суҳбатдошимиз – Рустам МАМАТОВ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ОАВ учун Контент тайёрлаш маркази ходими, журналист, медиа ва коммуникация мутахассиси, ёшларнинг касбий ривожланиши масалаларини ўрганаётган тадқиқотчи. 2021 йилда “Шўхрат” медали билан тақдирланган ҳамда Буюк Британияда “МВА” (бизнес бошқаруви магистри) даражасини олган.

ҳамда молияни тушуниш талаб қилинади.

–Журналистика ва бизнес таълими борасида дунё амалиётида қандай янгиликлар кузатилмоқда?

– Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, бугун иш берувчилар фақат дипломдаги мутахассисликка эмас, инсоннинг фикрлаши, салоҳияти ва янги вазифаларни ўзлаштира олишига катта эътибор қаратади. Масалан, 2016 йилда Лондон Қироллик коллежи Карера ва бандлик хизмати келтирган маълумотга кўра, йирик халқаро компаниянинг бухгалтерлар тайёрлаш дастурига бошқа йўналиш вақилларига қараганда тарих факультети битирувчилари кўпроқ қабул қилинган. Бунинг сабаби уларда тахлилий фикрлаш, тафсилотларга эътибор бериш ва сабаб-оқибатларни кўра олиш қобилияти яхши шаклланганида эди. Бухгалтерликнинг ўзига хос жиҳатларини эса компания уларга кейинчалик ҳам ўргата оларди.

Бугун ривожланган мамлакатлар университетларининг ўзи ҳам бу ўзгаришларга мослашмоқда. Масалан, Буюк Британиядаги Manchester Metropolitan университети журналистика дастурида журналистлар учун тадбиркорлик фани мажбурий модул сифатида ўқитилади. Нью-Йорк George’s университетида “Журналистикада тадбиркорлик” номли 15 кредитли модул мавжуд. Strathclyde университетига эса талабалар шахсий бренд яратиш, мустақил фаолият юритиш ва янги медиа лойиҳаларни йўлга қўйишни ўрганади. Нью-Йорк университети (АҚШ)да бизнес ғоясини ишлаб чиқиш ва уни амалий лойиҳага айлантиришга қаратилган тадбиркорлик ва илмий журналистика курси мавжуд. Нидерландидаги Groningen университети медиа йўналишида эса инновация ва тадбиркорлик маданияти алоҳида модул

сифатида ўқитилади.

Демак, бизнес таълимини журналистикага қўиш шунчаки назарий таклиф эмас. Ривожланган давлатларнинг университетлари бу ёндашувни аллақачон амалиётга жорий этмоқда.

– Сиз журналистсиз, шу билан бирга бизнес бошқарувини ҳам ўргангансиз. Бу борадаги билимларингиз ва бугунги изланишларингизни ўз фаолиятингизда қай даражада қўллаяпсиз?

–Бизнес ва тадбиркорликка анчадан буён қизиқиб келаман. Ҳозир ҳам ўз стартапларим устида фаол ишлаяпман.

Журналистика ва коммуникация йўналишларида таҳсил олаётган ёшларни рақобат қучли бўлган меҳнат бозорига яхшироқ тайёрлаш учун улар ўз мутахассислиги билан бирга янгича фикрлайдиган ва ўз имкониятларини тўғри баҳолай оладиган мутахассис бўлмоғи айна зарурат эканига тобора ишончим ортмоқда. Афсуски, бундай қўшимча кўникмаларга кўп ҳолларда етарлича эътибор берилмайди. Аслида эса улар инсоннинг ўз касбида муносиб ўрин топишида жуда муҳим. Энг оддий мисол, CV (таржимаи ҳол) қандай ёзилади, унда нимага ургу берилади, иш берувчи унлаб номзодлар орасидан нега айнан унга эътибор қаратиши керак? Мана шуларни ҳар бир ёш мутахассис чуқур англамоғи керак. Бизнес таълими доирасидаги ташкилий психология ва инсон ресурсларини бошқариш каби фанлар иш берувчининг талабларини ҳамда ходим танлаш жараёнини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Унутмаслик лозимки, бизнес таълимининг мақсади ҳаммани тадбиркор қилиш эмас, балки инсонга ўз йўлини мустақил танлаш ва қуриш имконини беришдир.

– Сизнингча, бизнес таълими алоҳида фан бўлгани яхшими ёки мавжуд фанларга сингдирилгани маъқулми?

– Дунё тажрибасига қаралса, бизнес таълимини алоҳида модул сифатида ўқитиш маъқул. Шунда таълим тизими ва изчил бўлади. Агар унинг мавзулари турли фанлар орасига бўлиб юборилса, асосий мақсад йўқолиб, талабада яхлит тушунча шаклланмай қолиши мумкин.

Масалан, битирувчи курс талабалари учун бир семестрлик модул ташкил этилиб, унинг мазмуни ҳар бир таълим йўналишига мослаштирилиши мумкин. Модул инновация ва тадбиркорлик, маркетинг ва менежмент, стратегия ва етакчилик, ташкилий психология ҳамда молия асосларини қамраб олади. Лекин бу мавзулар умумий назария сифатида эмас, талабанинг асосий мутахассислиги билан боғланган ҳолда ўқитилади. Дейлик, журналистика талабаси янги медиа лойиҳа ғоясини ишлаб чиқади, унинг аудиторияси, жамоаси, тарғиботи ва молиявий томонларини режалаштиради. Асосий мақсад талабанинг ўз соҳаси бўйича билимларини меҳнат бозорига керак бўладиган қўшимча кўникмалар билан бойитишдир.

Аслида бизнес таълими фақат иқтисодчи ёки журналистларга эмас, деярли барча касб эгаларига керак. Юқорида айтиб ўтилган кўникмалар бугунги ўқитувчи учун қанчалик муҳим бўлса, шифокор, муҳандис, юрист ёки қурувчи учун ҳам шунчалик зарур. Чунки қайси соҳада ишлашдан қатъи назар, мутахассис янгиликка мослашиши, жамоа билан ишлаши ва ўз фаолиятини тўғри ташкил эта олиши керак.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ
суҳбатлашди.**



ДЕПУТАТЛАР ФАОЛИЯТИДАН

ЎЗ ВАҚТИДА ЕЧИЛГАН МУАММО

ХАЛҚ ИШОНЧИНИНГ ОҚЛАНГАНИДИР

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Шу нуқтаи назардан қараганда, депутатлик фаолиятини баҳолашнинг энг тўғри мезонларидан бири — одамларнинг муаммоси қандай ҳал бўлганида, у инсонлар ҳаётида қандай ўзгариш ясаганида кўринади.

Партиямиз депутатлари орасида сайловчилар билан учрашиб, муаммоларини ўрганаётган, тегишли ташкилотлар олдига масалаларни дадил қўяётган, қонунчиликдаги камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар илгари сураётган халқ вакиллари жуда кўп. Энг муҳими, таҳлилларга назар ташласак, уларнинг амалий ҳаракатлари ортида аниқ натижаларга гувоҳ бўламиз.

Шунинг учун депутатларимиз фаолиятига назар ташлар эканмиз, айнан «Депутат нимани кўтарди?» эмас, «У кўтарган масала одамларга нима берди?» деган саволдан келиб чиқишни мақсад қилдик.

Мулоҳазаларимизни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз фаолияти мисолида давом эттирамиз.

ТАЪЛИМ УЧУН 3,2 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ АЖРАТИЛДИ

Боланинг қайси муҳитда таълим олиши, бўш вақтини қандай ўтказиши, спорт билан шуғулланиши учун қандай шароит яратилгани, мактабгача таълим муассасасида қандай имкониятлар мавжудлиги — буларнинг барчаси унинг ҳар томонлама камол топишида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зеро, таълим сифати синфхонадаги дарс билан чекланмайди — боланинг интеллектуал, жисмоний ва маънавий ривож учун яратилган яхлит муҳит унинг келажагини белгилайди.

Шу маънода Тошкент вилоят Кенгаши депутати Мухсиiddин Низомиддинов ташаббуси билан таълим инфратузилмасини ривожлантиришга 3,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилганини оддий рақам сифатида эмас, балки ҳудудда болалар учун яратилаётган имкониятларга амалий сармоя сифатида баҳолаш мумкин.

Мазкур маблағ доирасида Паркент туманидаги 22-мактабда 24х12 метр ўлчамдаги замонавий спорт зали қурилиши бошланган. Бу, аввало, мактаб ўқувчиларининг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун зарур шароит дегани.

Бугун мактабда спорт зали бўлиши оддий эҳтиёждек



кўриниши мумкин. Лекин айрим ҳудудларда ўқувчиларнинг жисмоний тарбия дарсларини тўлақонли ўтказиши, спорт тўғаракларига жалб қилиниши ёки иқтидорини намоён этиши учун инфратузилма етишмаслиги ҳали ҳам долзарб масала. Шу нуқтаи назардан янги спорт зали биргина бино эмас — юзлаб болаларнинг соғлом турмуш тарзи, бўш вақтини мазмунли ташкил этиши ва спортга қизиқишини ошириш учун янги имкониятдир.

Айниқса, ўсмирлик даврида спортнинг аҳамиятини фақат жисмоний саломатлик билан чеклаб бўлмайди. Спорт болани интизомга, жамоада ҳаракат қилишга, рақобатни тўғри қабул қилишга, мақсад сари интилишга ўргатади. Демак, мактаб ҳудудида замонавий спорт майдони ва зали барпо этилиши таълимнинг тарбиявий жиҳатини ҳам кучайтиради.

Шу билан бирга, "Файзобод" маҳалласидаги 19-сонли мактабгача таълим ташкилотида таъмирлаш ишларининг бошлангани ҳам эътиборга молик. Чунки боланинг таълимдаги биринчи қадами айнан мактабгача таълим муассасасида бошланади. Бу босқичда яратилган муҳит унинг кейинги таълим жараёнига мослашуви, дунёқараши ва ижтимоий кўникмалари шаклланишида муҳим ўрин тутати.

Шундай экан, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги шароитларни яхшилашни алоҳида-алоҳида лойиҳалар сифатида эмас, бир-бирини тўлдирувчи ягона таълим занжирининг таркибий қисми сифатида кўриш керак.

Яна бир муҳим жиҳат бор.

3,2 миллиард сўм — катта миқдордаги маблағ. Шунинг учун бундай сармоянинг ҳақиқий самараси қурилиш тугагани билан эмас, балки у болалар ҳаётида қандай ўзгариш қилгани билан ўлчаниши керак. Янги спорт зали қанча ўқувчини спортга жалб қилади? Қайси спорт турлари ривожланади? Мактабда мусобақалар ўтказиш имконияти қанчалик кенгайди? Таъмирланган мактабгача таълим муассасасида болалар учун қандай янги шароитлар пайдо бўлади?

Ана шу саволларга бериладиган амалий жавоблар лойиҳанинг ҳақиқий натижасини кўрсатади.

Энг муҳими, бу каби ташаббусларда депутатлик фаолиятининг мазмуни ҳам намоён бўлади. Депутатнинг вазифаси фақат муаммони эшитиш ёки уни тегишли ташкилотларга етказишдан иборат эмас. Муаммони кўтариш, маблағ ва имконият манбасини таъминлаш билан бирга, маблағ ва имконият манбасини таъминлаш билан бирга, келгусида меҳнат стажига эга бўлиш имконини ҳам яратади. Яъни бир қарашда битта фуқаронинг муҳим ҳаётий бўлиб кўрилган масала аслида унинг меҳнат фаолияти ва иқтисодий мустақиллиги учун муҳим қадамга айланмоқда.

Шунингдек, «Аёллар дафтари»даги Ф. Тошбоевага бандлигини таъминлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Бу каби кўмаклар ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож хотин-қизларнинг меҳнат бозорига кириши, ўз даромадига эга бўлиши ва жамиятда фаол

ўрганилди.

Аҳоли билан мулоқот жараёнида кўтарилган ҳар бир муҳим савол ортида муайян инсоннинг кундалик эҳтиёжи, оилавий шароити ва меҳнат қилиш истаги тургани эътиборга олинди. Шу нуқтаи назардан, муҳим ҳаёт саволи шунчаки эшитиш билан чекланиб қолмасдан, уларни амалий ечимга йўналтиришга алоҳида аҳамият қаратилди.

Ўрганишлар натижасида икки нафар фуқаронинг муҳим ҳаёт саволи амалий ечим топилди.

Жумладан, "Ижтимоий реестр"га киритилган Г.Раҳимовага имтиёзли кредит асосида чорвачилик фаолиятини йўлга қўйишда кўмак берилди. Бунинг аҳамияти шундаки, фуқаронинг бандлигини таъминлашда тайёр иш ўрнини кутиш эмас, балки ўз меҳнати ва имконияти асосида даромад манбаини шакллантириши учун шароит яратилмоқда.

Чорвачилик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредитдан фойдаланиш имконияти Г. Раҳимовага ўзини ўзи банд қилиш билан бирга, келгусида меҳнат стажига эга бўлиш имконини ҳам яратади. Яъни бир қарашда битта фуқаронинг муҳим ҳаёт саволи бўлиб кўрилган масала аслида унинг меҳнат фаолияти ва иқтисодий мустақиллиги учун муҳим қадамга айланмоқда.

Шунингдек, «Аёллар дафтари»даги Ф. Тошбоевага бандлигини таъминлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатилди. Бу каби кўмаклар ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож хотин-қизларнинг меҳнат бозорига кириши, ўз даромадига эга бўлиши ва жамиятда фаол

иштирок этиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур ҳолатда депутатлик фаолиятининг яна бир муҳим жиҳати намоён бўлади: аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжини аниқлашнинг ўзи етарли эмас, унинг ортидан амалий кўмак келиши керак. Шу боис маҳалладаги фуқаролар билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларнинг эҳтиёжини ўрганиш ва мавжуд имкониятларни ишга солиш аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Умуман, «Соҳил» маҳалласида ўтказилган ўрганишлар мисолида депутат, маҳалла ва фуқаро ўртасидаги амалий ҳамкорлик натижасида ижтимоий масалаларни ҳал этиш мумкинлиги кўриниб турибди.

МАҲАЛЛА ИНФРАТУЗИЛМАСИ — ЭЪТИБОРДА

Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Рустамхон Каланов ташаббуси билан Юнусобод маҳалласида ҳудудларни ободонлаштириш, яшил майдонларни кўпайтириш ҳамда аҳоли учун қулай муҳит яратиш билан боғлиқ масалалар ўрганилди.

Хусусан, «Адолат» маҳалласида 2 500 квадрат метр майдонда «Яшил боғ» барпо этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур ташаббус ҳудудда яшил майдонларни кенгайтириш, аҳоли учун дам олиш ва сайр қилишга мос шароит яратиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, маҳаллада мавжуд 7 сотих ер майдонидан самарали фойдаланиш, «Ифтихор» ва «Биллур» маҳаллаларида эса ободонлаштириш ишлари ҳолати ўрганилди. Хусусан, ҳудудларнинг санитария ҳолати, ободонлаштириш ишларининг ташкил этилиши ва инфратузилма билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди.

Ўрганишлар фақат ҳудуднинг ташқи кўриниши билан чекланиб қолмади. Аҳоли муҳим ҳаёт саволи бўлиб кўрилган масалаларни ҳал қилиш, уларнинг сабабларини аниқлаш ва тегишли мутасаддилар иштирокида ечим излаш муаммоларини самарали ҳал этиш имконини беради.

Айниқса, аҳоли муҳим ҳаёт саволи бўлиб кўрилган масалаларни назорат қилиш ва уларнинг амалий натижасини кузатиб бориш учун асос яратилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

“МЕҲР УЛАШАЙЛИК”

Кексаларни йўқлаш ва беморлар ҳолидан хабар олиш халқимизга хос. Ота-боболардан қолган анъана тобора сайқал топиб, ўзгача кўриниш касб этаётгани таҳсинга сазовор. Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили муносабати билан Узун туманида ана шундай тadbир ташкил қилинди. Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши ҳамда туман партия ташкилоти ташаббуси билан ўтказилган “Меҳр улашайлик” мавзuidaги анжуманда “Гулистон” ва “Иттифоқ” маҳаллаларида умргузаронлик қилаётган 4 нафар ногиронлиги бўлган шахслар хонадонига ташриф буюрилди. Электоратимиз вакиллари билан дилдан суҳбат қилиниб, уларни қийнаётган масалалар атрофлича ўрганилди. Меҳрга ташна инсонларга эсдалик совғалари топширилгани эса кўнгилларга бир олам шоду хуррамлик бахш этгани табиий.

– Қийинчилик кунларда кимдир меҳр қўлларини узатиб, чин кўнгилдан мурувват кўрсатса хурсанд бўларкансан, киши, – дейди “Гулистон” маҳалласида истиқомат қилувчи 1-гурух ногирони Холбиби Йўлдошева. – Уйимизга



Ўзбекистон ХДПдан бир гурух меҳмонлар келганидан ниҳоятда мамнун бўлдик. Яхшилик ва меҳр-мурувватга йўғрилган эзгу амаллар бардавом бўлишига тилақдошман.

– Мамлакатимизда ўқсик қалбларга

оташнафас меҳр берилаётгани қувонарли, – дейди Ўзбекистон ХДП Узун туман кенгаши раиси Ибодулло Мусурмонов. – Шу мақсадда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан “Меҳр улашайлик” лойиҳаси ташкил

қилингани айна муддао бўлмоқда. Меҳр кўзда – мурувват дилда, деганларидек, яхшилик ва саховатпешалик йўғрилган эзгу амаллар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг эртанги кунга бўлган шонинини оширишда ўзига хос пойдевор бўлиши муқаррар.

Шу ўринда туман партия ташкилоти, депутатлик гуруҳи ҳамда ҳамкор ташкилотлар ташаббуси билан “Файзова”, “Файзобод”, “Обод юрт”, “Янги рўзғор”, “Тожиқобод” ва бошқа маҳаллаларда юздан ортиқ учрашувлар ташкил қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим. Сайёр ва кўчма қабуллар ўтказилгани ҳам кўпчиликнинг дилидаги гап бўлди. Самимий ва дилдан кечган мулоқотларда етмишга яқин масала ижобий ечим топган бўлса, йигирма фоизга яқини тегишли ташкилотларга йўналтирилди. Электоратимиз вакиллари қўллаб-қувватлаш, қулай шароит яратиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бундан кейин ҳам устувор вазифа бўлиб қолади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

СПОРТ

НОДИРБЕК ЁҚУББОВЕВ – КУН ҚАҲРАМОНИ!

Самарқандда ўтаётган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадаси ўзининг энг қизғин ва мурасасиз палласига кирди. Турнирнинг мутлақ марказий баҳси — амалдаги чемпионлар, Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда асосий фаворитлардан бири бўлмиш Ҳиндистон терма жамоаси ўртасидаги тўқнашув юртимиз шахматчиларининг зафарли ғалабаси билан якунланди.

Ушбу принципал ва ниҳоятда кескин кечган матчда вакилларимиз 2,5:1,5 ҳисобида зафар қучиб, олимпиада турнир жадвалида якка пешқадамликни ўз қўлларига олишди.

Баҳснинг дастлабки учта тахтасида кечган беллашувлар ниҳоятда эҳтиёткорлик ва юқори тактик аниқлик билан кечди. Етакчиларимиз — Нодирбек Абдусатторов, Жавоҳир Синдоров ҳамда Шамсиддин Воҳидов ўз партияларини дуранг билан якунлаб, жамоага муҳим ярим очкодан тақдим этишди.

Бутун турнир ва олимпиада тақдирини ҳал қилиши мумкин бўлган асосий тугун Нодирбек Ёқуббоев ҳамда ҳиндистонлик маҳоратли гроссмейстер Ниҳал Сарин ўртасидаги партияда ечилди. Дебютда қутилмаган юриш билан рақиб вақт бўйича кучли босим ўтказишга эришди ва 40-юришга яқинлашиб қолганда баҳсда сезиларли устунликни ўз томонига оғдириб олди. Аммо мураккаб ва оғир вазиятда қолган Нодирбек ирода ва совуққонлик кўрсатиб, рақибига устакорлик билан тузоқ қўйди. Ниҳал Сарин томонидан йўл қўйилган қўпол хато ва мазкур тузоққа тушиши учрашув тақдирини бутунлай

ўзгартириб юборди. Нодирбек Ёқуббоев терма жамоамизга олтинга тенг бўлган ғалабани тўхфа этди.

Учрашувдан сўнг мазкур тарихий ғалабанинг бош қаҳрамони Нодирбек Ёқуббоев ўз таассуротлари ва партиянинг муҳим деталлари билан ўртоқлашди:

«Ўйин ниҳоятда оғир кечди. Рақибим дебютда қутилмаган тактика қўллади ва вақт орқали босим ўтказишга ҳаракат қилди. Шу сабабли 40-юришга яқин унда анча катта устунлик бор эди. Аммо битта нотўғри юриш ҳаммасини йўққа чиқарди. Мен тузоқ қўйгандим ва ўша тузоққа тушди. Рақибим 'Nf5' (от f5) юришини амалга оширганда, ортик эмоцияларимни яшира олмадим — ичимда жуда хурсанд бўлиб кетдим. Сабаби, Ҳиндистонга қарши кечадиган матч биз учун ҳамisha алоҳида ва жуда муҳим аҳамиятга эга. Ченнай олимпиадасидан бери ҳисобласак, умумий ҳисобда Ҳиндистонни мағлуб этиб келяпмиз ва бу анъанани сақлаб қолганимиздан хурсандман.

Ниҳал Сарин мен учун ҳамisha ноқулай рақиб бўлиб келган, айниқса, онлайн мусобақаларда унга айтиларли даражада кўп мағлуб бўлганман. Лекин бу



сафар ўтмишдаги ғалаба ёки мағлубиятларни бир четга суриб, шунчаки сифатли юриш қилишга ҳаракат қилдим. Болаларнинг барчаси ўз тахтасида жуда яхши ўйин кўрсатди, менда вазият биров ёмонроқ эди, аммо омадим келиб ғалаба қозондик.

Буни узил-кесил “Чемпионлик баҳси” деб бўлмайди. Олдинда бизни Хитой, Германия, Америка каби кучли терма жамоалар қутиб турибди. Босиб ўтиладиган йўл ҳали узун, шу сабабли асло

бўшашишга ҳаққимиз йўқ. Энди бир кунлик дам олишдан унумли фойдаланиб, кейинги муҳим матчларга пухта тайёргарлик кўраимиз».

Самарқанд тахталарида қўлга киритилган ушбу зафар ўзбек шахмат мактабининг яна бир бор жаҳонда тенгсиз эканини кўрсатди. Якка пешқадамликни қўлга олган терма жамоамизга бўлажак муҳим турларда ҳам зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.

ЯНГИЛИК

ЎЗБЕКИСТОНГА ОИД КИТОБЛАР КОРЕЯ МИЛЛИЙ АССАМБЛЕЯСИ КУТУБХОНАСИГА ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон тарихи, миллий давлатчилиги, маданий мероси ва замонавий тараққиётини акс эттирувчи илмий-маърифий адабиётлар, шунингдек, Президент Шавкат Мирзиёевнинг асарлари Корея Республикаси Миллий ассамблеяси кутубхонаси фондида тақдим қилинди. Нашрлар жамланмаси “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан ушбу мамлакатга хизмат сафари доирасида топширилди.



– Китобларнинг Корея Миллий ассамблеяси кутубхонасидаги Марказий Осиё павильонидан ўрин олиши биз учун муҳим аҳамиятга эга, – дейди “Ўзбекгидроэнерго” АЖ ахборот хизмати бош мутахассиси Хулқар Жўраева. – Энди корейлик тадқиқотчилар, талабалар, олимлар ва китобхонлар ушбу нашрлар орқали кўп минг йиллик тарихга эга юртимиз ҳақида кенгрок ва бойроқ тасаввурга эга бўладилар. Айни пайтда “Ўзбекгидроэнерго” АЖ делегациясининг Корея Республикасига ташрифи давомида гидроэнергетика соҳасидаги илғор тажрибаларни ўрганиш, ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш ва соҳавий алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳам учрашувлар ўтказилмоқда. Ўзбекистон ҳақидаги китобларнинг Корея Миллий ассамблеяси кутубхонаси фондида тақдим этилиши эса ушбу ташриф доирасидаги маданий-маърифий йўналишдаги муҳим ташаббуслардан бири бўлиб, халқларни бир-бирига яқинлаштирадиган маънавий кўприқдир.

Тоштемир МУРОД.

Ҳар бир халқ ва миллат, энг аввало, ўз фарзандларининг интеллектуал салоҳияти, билими ва дунёқараши билан эътироф этилади. Жаҳоннинг энг нуфузли билим беллашувларида Ўзбекистон байроғининг юқори кўтарилиши, «Uzbekistan» деган номнинг ғолиблар қаторида мағрур янграши ортида эса тинимсиз меҳнат, юксак масъулият ва Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ётади.

БУХОРОЛИК ЎҚУВЧИНИНГ ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФИ



Бухоро шаҳридаги «Odnaklassniki» хусусий мактабининг 9-синф ўқувчиси Розиябегим Хусенова ана шундай иқтидорли ва интилувчан ёшларимиздан бири. Унинг халқаро фан олимпиадаларида эришаётган кетма-кет зафарлари ўзбек ёшларининг билим ва ақл-заковатда ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор амалда исботламоқда.

Кўпчилик учун математика фақат мураккаб формулалар, қуруқ ҳисоб-китоблар ва рақамлар йиғиндисидан иборатдек туюлиши мумкин. Аммо Розиябегим учун бу фан — энг аввало, фикрлаш маданияти, мантикий мушоҳада ва ҳаётда дуч келинадиган муаммоларга тўғри ечим топиш санъатидир.

«Менимча, математиканинг менга берган энг катта сабоқларидан бири — “Жавобни

дарҳол топа олмаслик мағлубият дегани эмас” тушунчасини ақл-заковатимга сингдира олганидир. Мураккаб масалани кичик қисмларга бўлиш, маълумотларни тартибга солиш ва бошқа усулларни синаб кўриш орқали мақсадга эришилади. Бу фақат математикада эмас, ҳаётда ҳам жуда керакли кўникмадир», дейди ёш иқтидор соҳибаси Розиябегим Хусенова.

У математика, табиий фанлар ва чет тилларини бир-биридан айри ҳолда кўрмайди. Чет эллик мутахассислардан олинган онлайн дарслар, мустақил изланишлар ва тинимсиз меҳнат унга халқаро стандартлар даражасида фикрлашни ўргатди. Унинг таъкидлашича, математиканинг тили бутун дунёда бир хил: турли миллат ва маданият вакилларини бир майдонда жамлайдиган, уларни умумий мақсад сари бирлаштирадиган ягона куч — бу билим ва мантиқдир.

Розиябегимнинг халқаро майдондаги муваффақиятлар географияси ва салмоғи алоҳида эътирофга лойиқ. Ёш иқтидор соҳибаси қисқа муддат ичида ҳам аниқ ва табиий фанлар, ҳам хорижий тилларни мукаммал эгаллаш бўйича ўзига хос рекордларни қайд этди.

Унинг зафарли одимлари 2023 йилда Тошкентда ўтказилган NSB (National Spelling Bee) миллий олимпиадасидаги фахрли 2-ўрин билан бошланган эди. Бу муваффақият кейинги улкан зафарлар учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилди. Халқаро майдондаги жиддий синов — IIPPO инглиз тили олимпиадасининг Италиядаги

Жаҳон финалида у 2024 ва 2025 йилларда кетма-кет 70 дан ортик давлат ўқувчилари орасида юқори ўринларни эгаллаб, Буюк Британиянинг «Gatehouse Awards» ташкилоти дипломи ҳамда Ўзбекистоннинг Италиядаги элчихонаси ташаккурномасига сазовор бўлди.

Шунингдек, Розиябегим математика ва табиий фанлар бўйича ҳам ўз тенгдошларидан анча илгарилаб кетганини намойиш этди. У IMO 2025 (Turkic International Mathematical Olympiad) мусобақасида қумуш медални қўлга киритган бўлса, TeenEagle 2025 олимпиадаси орқали Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ўтадиган финал босқичи йўлланмасини нақд қилди.

Айниқса, сўнгги йиллардаги халқаро мусобақалар бухоролик ўқувчининг ҳақиқий триумфига айланди. У ESB (Eurasian Spelling Bee) олимпиадасининг 2025 йилги финалида олтин медални қўлга киритган бўлса, 2026 йилнинг август ойида Малайзиянинг Ипох шаҳрида бўлиб ўтган 7-Жаҳон финалида 20 та давлат вакилларини ортда қолдириб, Топ 1 — мутлақ чемпион унвонига сазовор бўлди. Бу орада Таиланднинг Бангкок шаҳрида ўтказилган SIMSO 2026 мусобақасида математика ва табиий фанлар бўйича навбатдаги олтин медаль қўлга киритилди. Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган JOEY Kangaroo 2026 олимпиадасида эса 17 та давлат иштирокчилари орасида қумуш медалга эга чиқиб, навбатдаги зафарини нишонлади.

Халқаро мусобақаларнинг масъулияти бўлақча.

Розиябегимнинг эътироф этишича, ҳар сафар сахнага чиққанда ёки беллашув залига кирганда исм-шарифи ёнида «Uzbekistan» ёзувини кўриш унга чексиз фахр ва шу билан бирга улкан масъулият бағишлайди. «Италияда, Малайзияда биринчи навбатда Ўзбекистон байроғини ва юртим шаънини ўйлайман. Ватан номини ҳимоя қилиш фақат баландпарвоз гаплардан иборат эмас. Бу — ҳалол меҳнат, ахлоқ, ўз ишингни аъло даражада бажариш ва бошқа миллат вакилларига ўзбек ёшларининг муомала ва билим маданиятини кўрсата олишдир», дейди у.

Хориждаги олимпиадалар давомида мамлакатимизнинг дипломатик ваколатхоналари, хусусан, Ўзбекистоннинг Италия ва Таиланддаги вакиллари томонидан кўрсатилган эътибор ва маънавий қўллаб-қувватлаш ёш иқтидор эгасига янада катта ишонч, куч бағишлаган.

Розиябегим Хусенованинг босиб ўтаётган бу муваффақиятли йўли бугунги Янги Ўзбекистон ёшларига берилаётган эътибор ва яратилаётган кенг имкониятларнинг ажойиб амалий намунасидир. Бухоролик оддий мактаб ўқувчисининг халқаро майдонлардаги зафарлари тенгдошлари учун ҳақиқий илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади. Ёш ҳамюртимизга илм-фан ва билим беллашувларида янгидан-янги марраларни забт этишини тилаб қоламиз.

Азим АХТАМОВ,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.

МУАССИС:



O‘ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

ТАНҲРИР НАҲҲАТИ:

Ulug‘bek INOYATOV
Ulug‘bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 937. 3730 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 20:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.